

## ДЕКОРАТИВ УСУЛДА НАТЮРМОРТ ИШЛАШНИ ЎРГАТИШ МУАММОЛАРИ.

Жаббаров Ботиршер Ғуломович

НамДУ ТСМГ кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7622483>

**Аннотация:** Ушбу мақолада декоратив усулда натюрморт ишлашни ўргатиш муаммоларини бартараф қилиш мақсадида меъморлик, ҳайкалтарошлик, рангасвир ва халқ амалий санъати уйғунлиги асосида яратиладиган бадий безаш усуллари, декоратив санъат турлари, атрофли таҳлил қилиб берилган. Шунингдек, декоратив рангасвир санъатининг ажралмас қисми бўлган декоратив натюрморт ишлаш босқичлари, технологиясини баён қилиш асосида талабалар ижодий эркинлигини ривожлантириш ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** дастгоҳли рангасвир, маҳобатли рангасвир, меъморлик, ҳайкалтарошлик, майда пластика, мозаика, фреска, декор, декоратив санъат, декоратив-амалий санъат, бадий безаш, ўзаро уйғунлик, натюрморт композицияси, уй-рўзгор буюмлари, ёруғ-соя, ҳаво перспективаси, трансформация, стилизация, коллаж.

### ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ НАТЮРМОРТУ ДЕКОРАТИВНЫМ МЕТОДОМ.

**Аннотация:** В данной статье для решения задач обучения натюрмрту декоративно-прикладному искусству тщательно анализируются приемы художественного оформления, созданные на основе гармонии архитектуры, скульптуры, живописи и народного творчества, видов декоративно-прикладного искусства. Также рассматривается развитие творческой свободы учащихся на основе описания этапов и технологии декоративного натюрморта, являющегося неотъемлемой частью искусства декоративной росписи.

**Ключевые слова:** станковая живопись, монументальная живопись, архитектура, скульптура, мелкая пластика, мозаика, фреска, декор, декоративная живопись, декоративное прикладное искусство, художественная оформления, сочетания, натюрмортная композиция, утвар, свето-тен, воздушная перспектива, трансформация, стилизация, коллаж.

### PROBLEMS OF TEACHING STILL LIFE WORK IN DECORATIVE METHOD.

**Abstract:** In this article, to solve the problems of teaching still life arts and crafts, we carefully analyze the techniques of decoration created on the basis of the harmony of architecture, sculpture, painting and folk art, types of arts and crafts. The development of students' creative freedom is also considered based on the description of the stages and technology of decorative still life, which is an integral part of the art of decorative painting.

**Key words:** easel painting, monumental painting, architecture, sculpture, small plastic arts, mosaic, fresco, decor, decorative painting, decorative applied art, decoration, combinations,

### Қириш

Тасвирий санъат ўқитувчиси тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг асосий ихтисослик фани бўлган рангасвир машғулоти давомида декоратив усулда натюрморт ишлашни мавзуси ўқитилади. Бироқ, ушбу мавзу моҳияти очиб берилган ўқув адабиёти йўқлиги боис уни ўрганиш долзарб муаммолигича қолиб кетмоқда. Қолаверса, авваллари ушбу мавзу ўқитилмаганлиги боис айрим ўқитувчилар ҳам декоратив рангасвир ишлаш услубларидан етарлича хабардор эмаслар.

Анъанавай рангасвир дарслари жараёнида талабалар акварель бўёғи ёрдамида уй-рўзгор буюмлари, сабзавот-мевалар, ҳайвонлар, парандалар, табиат манзараси ва шу каби

кўплаб нарсаларнинг ҳаққоний тасвирини ишлайди. Ҳаққоний тасвир ишлашнинг ўзига хос қатъий қонун-қоидалари бўлиб, улардан ташқарига чиқиб бўлмайди. Натижада эса талабаларда эркин ижод қилиш имкониятини чекланиб қолади. Декоратив рангтасвирда эса образлар ҳаққоний бўлиши талаб қилинмаслиги боис, талабаларга эркин ижод қилиш имконияти очилади. Шунинг учун ҳам ушбу мақола декоратив усулда натюрморт ишлаш муаммосини ҳал қилишга бағишланади.

#### Материаллар таҳлили:

Декоратив усулда натюрморт ишлашни бошлашдан олдин декоратив сўзининг маъноси таҳлил қиламиз. *Декор* (французча *decor*, лотинча *decoro* сўзларидан олинган бўлиб – ўзбекча *безаянман*) бино фасади, интерьерини ёки бирор буюмни безатиш тизими ҳисобланади<sup>1</sup>. *Декор* – бир хил ранг билан бўяш орқали амалга ошириладиган оддий кўринишга ёки ҳайкалтарошлик, рангтасвир, бадий безак санъати нақш элементлари уйғунлиги асосида ҳосил қилинадиган мураккаб безак кўринишига эга бўлиши ҳам мумкин. Бунда маълум бир бино ёки буюмларнинг ўзаро нисбатлари, ритми, колорити асосида ҳосил қилинадиган безак катта аҳамият касб этади.

*Декоратив санъат* - пластик санъат турлари қаторига кириб, унда ҳам меъморлик асосида инсонни ўраб турган борлиққа ҳамоҳанг тарзда ғоявий – бадий образ яратиш ётади. Декоратив санъат бевосита меъморлик билан боғлиқ бўлган маҳобатли декоратив санъатга уйғун ҳолда шаклланади.

*Маҳобатли декоратив санъат* биноларнинг ички ва ташқи қисмларини бадий безашда қўлланиладиган наққошлик, гарчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик, рангтасвир асарлари, рельефлар, мозаика, фреска, майда пластика ва шу кабиларни ўз ичига олади.



Бундан  
ташқари  
кундалик  
турмушда



фойдаланиладиган уй – рўзгор буюмлар ҳам санъатнинг ушбу турига мансуб бўлиб, уларни аксарият халқларда *декоратив – амалий санъат*, Ўзбекистонда эса *халқ амалий санъати* дейилади. Музей ва кўргазма залларида экспозицияларни ташкил қилиш учун мўлжалланган плакатлар, шиорлар каби графиканинг айрим соҳалари ҳам бевосита декоратив санъат турлари ҳисобланади ва уларни *бадий безаш санъати* деб юритилади.

<sup>1</sup> Популярная художественная энциклопедия. Архитектура. Живопись. Скульптура. Графика. Декоративное искусство. –М.: 1986. 212-стр.

**Декоратив – амалий санъат** турлари жуда ҳам кўп тарқалган санъат турларидан бўлиб, уларга батик, гобелен, инкрустация, интарсия, каштачилик, йўрмадўзлик, гиламчилик, попопчилик, майолика, кулолчилик, чеканка, шиша, чинни, металлга бадий ишлов бериш, кандакорлик, мисгарлик, заргарлик, пичоқчилик, наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги каби амалий санъатнинг яна бошқа кўплаб турларини мисол қилиб келтириш мумкин. Декоратив усулда натюрморт композициясини ишлаш ҳам меъморлик, маҳобатли рангтасвир ва ҳайкалтарошликнинг ўзаро уйғунлигидан келиб чиққан. Декоратив усулда ишланган натюрморт композициясидан ҳам меъморлик иншоатларини безашда фойдаланилади.

Декоратив – амалий санъатнинг барча турларига хос бўлган **“декор”** тасвирий



санъатнинг дастгоҳли ва маҳобатли турларига ҳам бевосита алоқадор ҳисобланади. Маҳобатли рангтасвирнинг мозаика, деворий суръатлар ва фреска каби турлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Чунки, маҳобатли рангтасвирнинг ушбу турлари меъморлик билан уйғун ҳолда ўзига хос, бетакрор ва гўзал ансамблни ташкил қилади.

Декоратив рангтасвир талабалар томонидан шу вақтга қадар ўрганилган дастгоҳли рангтасвирдан ишланиш жиҳатига, услубига кўра кескин фарқ қилади ва унда тасвирланаётган буюмларнинг ёруғ – соя нисбатларига деярли эътибор берилмайди. Чунки, бунда чизик ва ҳаво перспективаси, фазовийлик бўлмайди ва буюмлар битта текис юзада ётади. Аксари ҳолларда барча буюмларнинг четки қисми махсус қора чизик ёрдамида ажратиб чиқилади.



Мабодо, талаба буюмларнинг ёруғ – соя нисбатларини инобатга олган ҳолда тасвир ишлашни ўз олдига мақсад қилиб олгудек бўлган тақдирда ёруғлик, ярим соя, ҳақиқий соя, тушувчи соялар қора рангдаги контур чизиклар ёрдамида, айрим ҳолларда эса оқ чизиклар билан ажратиб чиқилади. Ундаги буюмлар ҳаққоний кўринишга эга бўлиши ҳам талаб қилинмайди. Уларнинг шакли аслига нисбатан турли хил услублар ёрдамида ўзгартириб, стилизация қилиб чиқилади. Шунинг учун талабалар декоратив усулда

натюрморт ишлашни тез суръатлар билан ўзлаштириб олишади. Талабаларнинг дастгоҳли рангтасвирда очилмаган янги қирралари айнан декоратив рангтасвирда намоён бўлади.

**Усуллар:** Декоратив усулда натюрморт ишлаш бадий безак кўринишига эга бўлганлиги боис анъанавий дастгоҳли рангтасвир ишлаш босқичларидан фарқ қилади ва у қуйидаги тартибда амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Декоратив рангтасвир ишлашни худди дастгоҳли рангтасвирда амалга оширилганидек натюрморт композициясида иштирок этаётган буюмларнинг конструктив тузилишини қоғоз юзасига тўғри жойлаштиришдан бошланади. Компановка масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, тасвири қоғозга нисбатан катта ёки кичик бўлиб қолиши олди олинади. Бир қарашда декоратив рангтасвирни ишланиш услуби дастгоҳли рангтасвир билан бир хилдек кўринади. Аслида эса декоратив рангтасвирда барча ишлар иккинчи босқичдан бошлаб тубдан ўзгариб кетади.

**Иккинчи босқич.** Бу **трансформация** босқичи бўлиб, уни **буюмларни стилизация қилиш босқичи** деб ҳам аталади. Натюрморт композициясида иштирок этаётган барча буюмларнинг шакли ушбу босқичда стилизация қилинганлиги боис бу босқич катта аҳамият касб этади. Буюмларнинг шаклини ташкил қилувчи ташқи кўриниши, умумий тузилиши сақлаб қолingan ҳолда стилизация қилинади. Мисол учун, оддий пахта гулли чинни чойнакни оладиган бўлсак, умумий айлана шаклини сақлаб қолган ҳолда уни исталганча ўзгартирса бўлаверади. Асосийси чойнакни умумий силуэтидан таниб олинса бас. Чойнакнинг жумраги, дастаси ҳам ҳақиқий вазифаси ва кўринишига нисбатан бошқача бўлиши мумкин.

Бундан ташқари симметрик буюмларни симметрия ўқиға нисбатан бир томонига нисбатан иккинчи томонини пастроққа тушириш ёки кўтариш орқали ҳам стилизация қилинади. Нафақат ўқ чизиги орқали тик ҳолатда, балки горизонтал ҳолатда ҳам ушбу ишни такрорласа бўлади. Тўқ фондаги қисми оч тусда, оч фондаги қисми эса тўқ рангда бўлишини айнан шу босқичдаёқ тасаввур қилиш керак. Чойнакнинг умумий айлана шаклини сақлаган ҳолда нуқта, тўғри чизик, эгри чизик, ярим айлана каби шакллардан фойдаланиб ўзига хос стилизация қилинади.

Трансформация босқичида талабанинг билим, кўникма, малакаси, бадий маҳорати, тасаввур оламининг бойлиги жуда ҳам асқотади. Нуқта, тўғри чизик, уч бурчак, тўрт бурчак, айлана, ярим айлана, доира, овал ва шу каби турли хил геометрик шакллардан оқилона фойдаланган ҳолда гўзал ва бетакрор декоратив натюрморт композициясини ҳосил қилиш мумкин. Бир сўз билан айтганда буюмларнинг ҳаққоний кўринишини геометрик шакллар ёрдамида стилизация қилиб, содда кўринишга келтириш асосида декоратив усулда натюрморт ишланади.

**Учинчи босқич.** Ушбу босқич натюрморт композициясида иштирок этаётган барча буюмларни бир-бири билан ўзаро **чамбарчас боғлаш босқичи** ҳисобланади. Дастгоҳли рангтасвирда олди планда турган буюм орқа томонда турган бошқа бир буюмнинг маълум бир қисмини тўсиб қолганлиги боис ўша жойи тасвири ишланмайди. Декоратив усулда натюрморт ишлашда эса орқа пландаги буюмнинг айнан ўша қисми ҳам кўриниб тургандек қилиб тасвирланади. Ганчкорлик ва наққошликда гирих элементлари бир – бири билан доимий кесишиб турганидек, декоратив рангтасвирда ҳам уларни бир – бири билан чамбарчас боғлиқ кўринишда акс эттирилади. Хаттоки, орқа фондаги матонинг маълум бир қисми ҳам олди пландаги буюмлар билан ўзаро боғлиқдек тасвирланади. Натижада эса барча буюмлар худди шаффоф нарсадан ясалгандек тассурот уйғотади ва битта текис юзада ётгандек кўриниш ҳосил қилади. Қайси буюм олдинда ва қайси бири орқа планда эканлигини умуман ажратиб бўлмайди.

**Тўртинчи босқич.** Силуэтларни текстура билан тўлдириш, натюрмортнинг декоратив усулда ҳал қилиш босқичи бўлиб, уни бошқача қилиб, натюрморт композициясига *ранг бериш, тугал ҳолатга келтириш* дейилади.

#### Натижа



Ушбу вазифа композицияда иштирок этаётган барча буюмлар шаклининг умумийлигидан, ўхшашлигидан, рангларнинг қарама – қаршилигидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Аслида ушбу босқичга қадар натюрморт композициянинг ўзига хос бадиий ечими ҳал бўлганлиги боис, бу босқич талабага унчалик ҳам мураккаблик туғдирмайди. Бироқ, унга юзаки қараш ҳам ёмон натижага олиб келишини асло унутмаслик зарур. Чунки, бир буюм ёхуд композициянинг умумий кўриниш учун зарур бўлган ранг ўрнига бошқа рангни бериш умумий ҳолатни, композициянинг яхлитлигини йўқотади. Шунинг учун ҳам битта декоратив натюрморт композициясини турли хил ранглар, чизиклар, шакллар ёрдамида

бир неча мартаба қайта ишлаш асосида яхши натижаларга эришиш мумкин.

Ушбу босқичда натюрморт композициясини нафақат ранглар билан, балки бошқа турли хил сунъий ва табиий материаллардан ҳам фойдаланиб безатса бўлади. Мисол учун, худди коллажда бўлгани сингари турли хил мато парчаларини елимлаш, ўсимлик ўруғи, пўстлоғи, япроғи ёки донидан ҳам фойдаланиб ўзига хос композиция тузиш мумкин.

**Коллаж<sup>2</sup>** (французча “collage” – сўздан олинган бўлиб, том маънода ёпиштириш дегани) тасвирий санъатдаги техник услуб, асосдаги рангдан туси ва фактураси билан фарқ қилувчи материалларни елимлаш. Шу услуб билан бажарилган асарлар ҳам коллаж деб аталади.

Коллаж асосан тасвирий санъатнинг графика турида кенг қўлланилади, турли материаллар, ҳар хил фактуранинг ўзаро ҳамоҳанглиги асарнинг ифодавийликни орттиради. Расмий тадқиқот сифатида коллаж кубизм, футуризм ва дадаизм вакиллари томонидан тадбиқ қилинган.

#### ХУЛОСА

Юқорида декоратив усулда натюрморт ишлашнинг айрим усулларига тўхталиб ўтилди холос. Уни ҳали очилмаган янги қирралари кўп. Бир сўз билан айтганда, декоратив усулда рангтасвир ишлаш кундан – кунга ўзининг янги қирраларини намоён этиб, санъат ихлосмандларини жалб қилишда давом этиб келмоқда.

<sup>2</sup> А. Сулаймонов, Б. Жаббаров. Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар.-Т.: 2008. 46-б.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сулаймонов А., Жаббаров Б. Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар. –Т.: “Сано – Стандарт”, 2008.
2. Абдирасилов С., Толипов Н. Рангтасвир. Дарслик. –Т.: “Innovatsiya-Ziyo”, 2019.
3. Жаббаров Б. Ғ. Академик қаламтасвир. Дарслик. –Т.: “Innovatsiya-Ziyo”, 2022.
4. Популярная художественная энциклопедия. Архитектура. Живопись. Скульптура. Графика. Декоративное искусство. –М.: 1986.
5. Жаббаров Б. Петербург Бадиий Академиясининг қаламтасвир ўқитиш ривожига қўшган хиссаси. EORASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH ISSN: 2181-2020 Volumna Issoe 09, december 2021
6. Baymetov, B., & Sharipjonov, M. (2021). OLIY PEDAGOGIK TA'LIMDA TALABALARGA INSON QIYOFASINI AMALIY TASVIRLASH JARAYONIDA IJODIY KOMPYETYENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(3), 1066-1070.
7. Boltaboyevich, B. B., & Shokirjonugli, S. M. (2020). Formation of creative competences of the fine art future teachers describing geometrical forms (on sample of pencil drawing lessons). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1996-2001.
8. Жаббаров Б. Гипсдан ясалган моделларни чизишда кетма-кетлик услуги. PEDAGOGIAR.UZ Scientijic Rosearch Centor MARCH 2022